

Маъноси: Аллоҳим, саййидимиз ҳазрати Муҳаммадга ва саййидимиз ҳазрати Муҳаммаднинг оилалари (аҳли)га шундай салавот юборгинки, у салавот воситасида бизларга барча қўрқинч ва офатлардан нажот бергайсан, у орқали барча ҳожатларимизни раво айлагайсан, бизни барча ёмонликлардан поклагайсан, Ўзингнинг ҳузурингда энг юқори даражаларга кўтаргайсан, у салавот орқали бу дунёда, охиратда ҳам барча яхшиликлардан иборат бўлган энг юксак мақсадларимизга етказгайсан! Раҳматинг билан (дуомизни қабул эт), раҳмлиларнинг энг раҳмлиси!

Аллоҳ таолога бирор ҳожати бўлган киши бу салавотни минг марта ўқийди. Шайх Солиҳ Зарир айтадилар:

«Шўр (Қизил) денгизида мен кемага миндим. Денгизда қаттиқ шамол турди. Кемадаги инсонлар қичқириб дод-вой солишди. Мана шу вақтда менга уйқу қолиб келиб, ухлаб қолибман. Тушимда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрдим ва менга айтдилар: «Кемадаги кишиларга айт, мана шу салавотни минг марта ўқисин». Кейин уйқудан уйғониб, мазкур тушимни кемадаги кишиларга айтдим. Ушбу салавотни уч юз марта ўқиган эдикки, Аллоҳ таоло бизларни бу фалокатдан қутқарди».

«Энг гўзал салавотлар» рисоласидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 29 октябрь 03-07/6661-сонли хулосаси асосида тайёрланди.